

Якинда Туркистон мусулмонларининг Хўкандда бўлгон 4-курултойинда (билиттифок) «Туркистон ерлик Мухторияти»га карор берилиб, эълон килингонлиги ва бу муносабат билан Хўкандда зўр намойиш бўлгонлиги маълумдир.

Эшитишимизга кўра, бу кунларда Андижон, Намангон ва Тошкандда ҳам мусулмонлар тарафидан «Мухторият» фойдасига тантаналик суратда улуг намойишлар килинибдир. Хатто Тошканддаги намойиш нихоятда дабдабалик бўлуб ўтибдир.

Якинда Самарканддаги «Захматкашлар иттифоки» жамияти ҳам бир мажлис куруб, «Шўрои ислом» жамияти билан биргалашиб «Мухторият» учун намойиш килмокга карор берган ва бунинг учун ўз тарафиндан «Шўрои ислом» жамиятига тўрт нафар вакил юбориб анинг ризолигини сўрагон эди.

Лекин на сабабдандир «Шўрои ислом» жамияти бу ишга ризолик бермади ва намойиш килмокни истамади.

Шунинг учун Самаркандда бўлгули намойиш хануз кечикиб турмоқдадирки, бу масала хуррият ва Мухториятга карши бир жиноят бўлса керак.

Энди «Шўрои ислом»нинг бу ишига кандай маъно бермак керак? Биз бу холнинг хакикати билмай турубмиз. Хархолда, биз шўронинг бу ишини ушбу уч эхтимолнинг бирисиндан холи эмас, деб гумон киламиз:

1. Кўркоклик.

2. «Мухторият»нинг фахмига бормаслик.

3. «Мухторият»нинг вужудга чикишига ишонмаслик. «Шўрои ислом» хакинда мазкур

эхтимоллар тўғри келурми, келмасми мунинг аҳамияти йўқ. Ёлгуз шунчаси бор-ки, «шўро»нинг бу ҳаракати Туркистондаги ўн миллион мусулмон қардошларининг асоратдан қутулишларини истамаган каби бўлиб кўрунадирлар. Бу иш эса «Марваж ул-ислом» исмини олгон буюк бир ҷамиятнинг шаънига ярашатургон сифатлардан бўлмаса керак.

Йўкса, ёлгуз «Шўро»нинг намойишга иштироки би-лан «Мухторият»имиз арши аълога чикиб, анинг тескарилики билан фаолиятга чикмай қолмас. Мухтарам «Шўрои ислом» ҷамияти шуни ҳам билсунки, буқун Туркистон мусулмонлари «Мухторият»га молик бўлдилар. Мундан сўнгра «Мухторият» билан бирга яшарлар ва ушбу йўлда ўз мол ва қонларини ҳам аямаслар. Яшасун Туркистон Мухторияти!

*«Хуррият» газетаси, 1917 йил, 16 декабрь*